



## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ДАСТУР АСОСИДАГИ МИЛЛИЙ ТИЗИМДА ИШТИРОКЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

**Исмаилов Абдували Абдумаликович** -  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси  
хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси хузуридаги Таълим  
сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни  
амалга ошириш миллий маркази директори

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a47](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a47)

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларнинг ютуқларига қаратилган таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро дастур талаблари асосида такомиллаштирилган миллий тизимда намуна олиш масалалари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ушбу тизим доирасида тадқиқот учун тасодифий танлаб олиш, намуна олишни стратификациялаш, намуна олишнинг кўп босқичли ва кластерли муҳим усуллари ҳақида тўхталиб ўтилади. Унда хорижий олимлар томонидан илгари сурилган фикрлар, назариялар, халқаро баҳолаш дастурлари томонидан ўрнатилган стандарт ва талаблар ҳамда Ўзбекистонда жорий этилган тажрибалар атрофида муҳокама қилинади.

**Асосий тушунчалар:** миллий ва халқаро баҳолаш, танлаб олиш, стратификация, назария, амалиёт, тажриба.

## ВЫБОР УЧАСТНИКОВ В НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРОГРАММ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

**Исмаилов Абдували Абдумаликович** -  
Директор Национального центра международных  
исследований по оценке качества образования при  
Государственной инспекции по надзору за качеством  
образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы выборки в национальной системе, которая совершенствуется на основе требований международной программы оценки качества образования, направленной на достижения учащихся. Также в рамках этой системы остаются на некоторых важных методах формирования случайной выборки таких как, многостадийная и кластерная выборка, стратификация выборки. На нем будут подробно обсуждаться мнения, теории, выдвинутые зарубежными учеными, стандарты и требования, установленные международными программами оценки, а также опыт, внедренный в Узбекистане.

**Ключевые слова:** национальная и международная оценка, выборка, стратификация, теория, практика, опыт.

## SAMPLING OF PARTICIPANTS IN THE NATIONAL EDUCATION QUALITY ASSESSMENT SYSTEM BASED ON THE REQUIREMENTS OF INTERNATIONAL PROGRAMS: THEORY AND PRACTICE

**Ismailov Abduvali Abdumalikovich** -  
Director of the National center for international  
studies on the assessment of quality of education  
under The State Inspectorate for Supervision of  
Quality of Education under The Cabinet of  
Ministers of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** The article discusses the issues of sampling in the national system, which is being improved based on the requirements of the international program for assessing the quality of education aimed at students' achievements. Also, within the framework of this system, some important sampling methods, such as random, multistage and cluster sampling, stratification of the sample. It will discuss in detail the opinions, theories put forward by foreign scientists, standards and requirements established by international assessment programs, as well as the experience introduced in Uzbekistan.

**Keywords:** National and international assessment, sampling, stratification, theory, practice, experience.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастурларда узлуксиз иштирок этиш, шунингдек, халқаро баҳолаш дастурлари тажрибалари асосида миллий тизимни такомиллаштириш вазифалари белгиланган [1, 2]. Таълим сифатини баҳолашга қаратилган дастурларда ўқувчиларнинг саводхонлиги ўлчанишига алоҳида эътибор қаратилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикасида ўн бир йиллик мажбурий таълим жорий этилган [4]. Ушбу босқичда таълим олиш таклиф этилган 10808 дан ортиқ таълим муассасаларида миллий ва халқаро баҳолаш дастурларининг объекти ҳисобланиши мумкин бўлган 512 минг нафар 15 ёшли ўқувчилар, шунингдек, 563,4 минг нафар 8-синф ўқувчилари, 610,3 минг нафардан ортиқ 4-синф ўқувчилари таҳсил олмоқда. Ўз навбати-

да, ушбу таълим муассасалари 200 дан ортиқ туман(шаҳар)ларни бирлаштириб турадиган, қишлоқ ва шаҳар ҳудудларидан иборат 14 да географик ҳудудда жойлашган [5].

Шундай катта қамровга эга бўлган таълим жараёнларининг сифатини ўлчаб бориш эса муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Лекин ҳудудлардаги таълимнинг ривожланиши, хорижий мамлакатлар билан таълим тизимини солиштириш ҳамда таълим соҳасига оид бошқарув қарорларини қабул қилиш учун далилларга асосланган таҳлиллар зарур бўлади. Лекин ҳар доим ҳам барча таълим муассасаларини таҳлил қилиш кўп вақт ва ресурс талаб этиши билан имконсиз ҳисобланади. Мазкур ҳолатда халқаро дастур талабига асосланган миллий баҳолаш тизими зарурати вужудга келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Ўқувчиларни баҳолаш халқаро дастури (Program for International Students Assessment)да Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг иштирокини таъминлаш Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази зиммасига юклатилган [2]. Халқаро тадқиқотнинг 2021 йилда тажриба-синов жараёнлари амалга оширилган бўлиб, асосий синов жараёнлари эса 2022 йил апрель-май ойларида ташкил этилиши режалаштирилган. Айти пайтда тадқиқотга тайёргарлик ишлари PISA техник стандартлари, йўриқномалар ва қўлланмалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Халқаро тадқиқотларнинг асосий синов жараёнлари халқаро ташкилотлар томонидан халқаро графикларга биноан босқичма-босқич амалга оширилади. Лекин ушбу халқаро тадқиқотнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий баҳолаш тизимини шакллантиришга миллий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида эришилди.

**Адабиётлар таҳлили.** Тадқиқот объектларини танлаб олиш ва намуна олиш масалалари дунёнинг кўплаб олимлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан ўрганиб келинмоқда. Жумладан, Kenneth Ross ўзининг “Таълимдаги тадқиқотлар учун намуна олиш модели” номли ишланмасида намуна олиш моделининг асосий тушунчалари, исталган, аниқланган ва истисно қилинган мақсадли аҳоли, намуна олиш рамкалари, тасодифий бўлмаган ва тасодифий бўлган намуна олиш турлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилган [6].

Жан Дьюмей, Дж. Хьюард Гоф, Винсент Грини, Томас Келлаган каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда таълимдаги ютуқларни баҳолаш миллий тизими учун мактаблардан намуналар олиш, намуна олиш рам-

каларини шакллантириш, намуна олиш назарияси элементлари, оддий, тизимли, кластерли намуна олиш турлари, стратификация, кўп босқичли танлаб олиш усуллари ҳақида назарий ва амалий жиҳатдан маълумотлар келтирилган [7].

МДХ мамлакатлари олимлари В.А.Болотов, И.А. Вальдман, Р.В. Горбовский ва бошқаларнинг тадқиқот ишида таълим сифатини баҳолаш миллий тизимини шакллантиришда Россия, Арманистон, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамда узоқ хорижий мамлакатлар – Австралия, Чили ва АҚШ мактаб ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларини мониторинг қилиш ва миллий имтиҳонлар тизимлари, шунингдек, ушбу таҳлилларни олиб бориш учун намуналар олиш тажрибалари ҳақида фикр юритилган [8].

**Тадқиқот методологияси.** Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 30 ноябрдаги 180-сонли буйруғи асосида 2020 йилнинг 10-16 декабрь кунлари PISA дастури талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий тадқиқот Ўзбекистонда илк маротаба ташкил этилди. Миллий тадқиқотда республиканинг барча ҳудудларидан танланган 150 та мактабнинг 3444 нафар 9-синф ўқувчилари иштирок этди [9]. Ушбу тадқиқот учун мактаблар ва ўқувчиларни танлаб олиш жараёни халқаро PISA дастури талабларига асосланган ҳолда ташкил этилди [9]. Кўп босқичли намуна олишда, авваламбор, намуна олиш рамкаси шакллантирилган бўлса, кейин танлаб олиш жараёнлари бажарилган. *Намуна олиш рамкасини шакллантириш.* Ҳар қандай тадқиқотнинг муваффақиятли бўлишида намуна олиш жараёни муҳим ўрин тутаети, ушбу муваффақият эса намуна олиш рамкасини тўғри шакллантиришга боғлиқ бўлиб қолади. Биз аввалги мақолаларимизда намуна олиш рамкасини шакллантириш ҳақида атрофлича таҳлиллар олиб борган эдик [17].

Миллий тадқиқот учун мактаблар танлов рамкасини шакллантириш мақсадида 2019 йил 15 сентябрь ҳолатига республика бўйича Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 9710 та таълим ташкилотларидан иборат маълумотлар базаси тўпланди.

Миллий тадқиқотда 15 ёшли ўқувчиларни энг кўп қамраб олган босқич сифатида 9-синф ўқувчиларини синовдан ўтказиш белгиланди. PISA, PIRLS, TIMSS халқаро тадқиқотлари тажрибаларидан келиб чиқиб, функционал ва ақлий ривожланишида нуқсонли мавжуд бўлган ўқувчиларни баҳолаш назарда тутилмади. Аҳолининг (*Изоҳ: “аҳоли” инглиз тилидаги “population” сўзидан олинган бўлиб, “аҳоли” деган маънони*

англатади, шунингдек, тадқиқотлар мақсади-дан келиб чиқиб, қамраб олиниши мумкин бўлган мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар ёки директорлар бир сўз билан “аҳоли”, баъзи жойларда “мақсадли аҳоли” деб юритилади) энг кўп қатламини қамраб олган тиллар сифатида тест синовларини ўзбек ва рус тилларида ўтказиш белгиланди.

Рамкани шакллантириш учун намуна олиш имконияти бўлмаган қуйидаги мактаблар гуруҳи умумий рўйхатдан чиқарилди:

9-синф ўқувчилари мавжуд бўлмаган мактаблар – 31 та;

махсус таълимга эҳтиёжи бор ўқувчилар ўқитиладиган мактаблар – 91 та;

ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар – 664 та.

Юқоридаги учта ҳолат бўйича жами 786 та мактаб намуна олиш рамкасида чиқарилиб, 9710 та мактабдан 8924 та мактаб тадқиқот учун намуна олиш рамкаси сифатида қабул қилинди.

Тасодифийликка асосланган намуна олишдан, одатда, ишончли ва валид характердаги баҳолаш натижаларига зарурат бўлганда фойдаланилади. Бунда танлаб олиш тасодифийлик схемаси ва тажриба жараёнларининг тўғри амалга оширилишини тақозо этади.

Тасодифий намуна олишда, баҳолаш манфаатлари кўзланган ҳар бир аҳолига оид элементларнинг эҳтимоллиги нолга тенг бўлмаслиги лозим. Шунингдек, тасодифий намуна олишда барча элементлар тенг эҳтимолликка эга бўлиши шарт эмас бўлиб, шунчаки танлаб олиниш эҳтимоли мавжудлигининг ўзи етарли ҳисобланади. Миллий баҳолашда ўқувчилар, мактаб ўқитувчилари, директорлари ҳамда мактабларнинг ўзига намуна олиш элементи сифатида қаралади [10]. Танлаб олиш ўзининг шакли ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир нечта турларга бўлинади, жумладан, оддий тасодифий намуна олиш, тизимли тасодифий намуна олиш, кластерли намуна олиш, стратификацияланган намуна олиш ва кўп босқичли намуна олиш турлари мавжуд. Миллий тадқиқотда қўлланилган намуна олиш стратегиялари ҳақида муҳокама қилишдан аввал мавжуд танлаб олиш усуллари, уларнинг афзаллик ва камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтилади. Жумладан, Винсент Грини, Томас Келлаган, Жан Дьюмей, Дж. Хьюард Гоф каби нуфузли хорижий олимларнинг муаллифлик ишланмаларига оид адабиётларда келтирилган маълумотларнинг тегишли қисмлари ҳамда халқаро PISA тадқиқотининг техник стандартлари, мактаблар ва ўқувчиларни танлаб олиш бўйича қўлланиладиган йўриқномаларида келтирилган қоидалар апрофлича кўриб чиқилади. Ушбу назарий маълумотлар ва фикрлар эса тадқиқот методология-

сининг моҳияти ва амалий аҳамиятини кенгроқ тушунишга ёрдам беради.


*Оддий тасодифий намуна олиш.* Барча элементларнинг намуна олишга тушиш эҳтимоллиги бир хил бўлган схема намуна олишни шакллантиришнинг кенг тарқалган гуруҳидан бир қисми ҳисобланади. Мисол учун, қизиқиш билдириладиган аҳоли 10 та мактабдан иборат бўлиб, бир хил қоғоз карточкаларига мактаблар номи ёзиб чиқилиб, барча карточкалар қутичага солинади. Қоғоз карточкаларни аралаштириб, қути ичидан 2 та карточка чиқариб олинади. Ушбу ҳолатда назарий жиҳатдан ҳар бир мактабнинг танланиш имконияти 10 дан 2 ёки 5 дан 1 ни ташкил этади. Ҳар қандай тасодифий намуна олиш моделининг бошланиш нуқтаси оддий тасодифий намуна олиш ҳисобланади.

Оддий тасодифий намуна олиш намуна олишнинг бир босқичли усули бўлиб, унда  $n$  ҳажмга эга бўлган ҳар бир намуна олиш элементи танланишнинг тенг имкониятлари берилди. Шундай қилиб, намуна олишнинг ҳар бир элементи намуна олишга кириш учун тенг эҳтимолликка эга бўлади. Ушбу  $\omega$  эҳтимоллик  $n/N$  нисбатига тенг бўлиб, бунда  $N$  – аҳолининг элементлари сони,  $n$  – намуна олиш ўлчовидир. Ушбу намунада  $n=2$ ,  $N=10$  бўлганлиги сабабли,  $\omega=1/5$  ни ташкил қилди. 1-расмда 45 та мактабдан иборат аҳоли орасидан 7 та мактабда оддий тасодифий намуна олиш тасвирлаб берилган.

Намуна олиш қайтиб ёки қайтмасдан шакллантирилиши мумкин. Қайтиш орқали шакллантириладиган намуна олишда ҳар бир элементга танланиш учун бирдан кўп имконият берилди, амалиётда бундай усул кам қўлланилади. Қайтмасдан танлаш шуни англатадики, мактаб ёки ўқувчи элемент сифатида танланганидан сўнг иккинчи марта танлана олмайди. Умуман олганда, қайтмасдан танлаш усули аниқроқ натижа ҳосил қилади ва фойдаланиш нуқтаи назаридан қулайроқ ҳисобланади [14].

*Тизимли тасодифий намуна олиш.* Тизимли тасодифий намуна олишни шакллантиришда рамкадаги элементлар тартибланган интервал орқали чиқариб олинади. Бунда намуна олиш интервали ва бошланғич нуқтани белгилаш лозим бўлади. Агар  $N$  аҳолининг ҳажми  $n$  намуна олиш ҳажмининг бир нечтасига тенг бўлса, у ҳолда ҳар  $k$ -элемент танланади, бунда  $k$  нинг намуна олиш нисбати  $N/n$  га тенг бўлади. Агар  $N$  сони  $n$  сонига қолдиқсиз бўлинмайдиган бўлса, мазкур усулни осонлик билан тўғрилаш мумкин. Тасодифий бошланғич  $r$  нуқта 1 дан  $k$  гача оралиқда жойлашган ягона тасодифий сондир. Шундай қилиб, элементлар қуйидаги формула ёрдамида танлаб олинади:

$$r, r+k, r+2k, \dots, r+(n-1)k$$



**1-расм. Мактабларни қайтмасдан оддий тасодифий танлаб олиш**


Изоҳ:  $N=45$  мактаб;  $n=7$  мактаб (тўқ кулрангда).

*Манба:* Жан Дьюмей, Дж.Хьюард Гоф, Жаҳон банки.

Оддий тасодифий намуна олиш ҳолати каби, бу ерда ҳам ҳар бир элемент намуна олишга тушишнинг  $1/k$  га тенг бўлган бир хил эҳтимоллик имкониятларига эга, лекин оддий тасодифий намуна олишдан фарқли равишда  $n$  нинг ҳар бир элементлари комбинацияси ҳам танлаб олиниш имкониятларига эга эмас. Тизимли тасодифий намуна олишда фақатгина бир-биридан  $k$  масофада жойлашган элементлар намуна олишга тушиши мумкин (2-расм).

*Кластерли намуна олиш.* Кластерли намуна олишни шакллантириш тадқиқот рамкасидаги аҳоли элементларининг бутун гуруҳини (кластерларни) тасодифий танлаб олиш жараёнидир. Қоидага кўра, ушбу усул оддий тасодифий намуна олишга қараганда, унчалик самарали стратегия ҳисобланмайди. Чунки намуна олишнинг ҳажми учун юқори намуна олиш зиддиятлари билан тавсифланади. Шунингдек, намуна олишни шакллантиришнинг кластерли усули бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, агар мактаб аҳолиси мамлакатнинг ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган бўлса, у ҳолда маълумот тўплаш учун харажатларни сезиларли даражада қисқартириши мумкин. Масалан, 40 та танланган мактабларнинг ҳар бирида ўртача 25 нафар ўқувчи таълим оладиган 1000 нафар 3-синф ўқувчилари қаторидан ўқувчиларни танлаб олишни назарда тутувчи миллий баҳолаш дастури, бутун мамлакат бўйлаб ихтиёрий тарқалган 1000 нафар 3-синф ўқувчиларини танлаб олишга қараганда, кўпроқ харажатларни талаб этади [15].

Иккинчидан, аҳоли орасидан алоҳида элементларни танлаб олиш ҳар доим ҳам қулай бўлмайди. Баъзида, аҳолининг тўлиқ гуруҳи ёки кластерларни танлаб олиш осонроқ бўлади, шунингдек, баъзида маъмурий бошқарув нуқтаи назаридан бу зарур чора сифатида кўринади.



**2-расм. Мактабларни тизимли тасодифий танлаб олиш**

Изоҳ:  $N=45$  мактаб;  $n=7$  мактаб (тўқ кулранг шакллар); интервал=6; бошланғич нуқта=4.

Учинчидан, кластерли намуна олиш тахминий баҳоларни олишда, масалан, мактаб ёки синф бўйича ютуқларнинг ўртача баҳосини олишда қулай ҳисобланади. 3-расмда 7 та кластерга гуруҳлаштирилган, 45 та мактаб аҳолиси таркибидан 3 та кластердан иборат 19 та мактаб намуна олишга киритилган намуна тасвирланган.

Кластерли намуна олиш икки босқичли жараён ҳисобланади. Аввалига, аҳоли кластерларга гуруҳлаштирилади. Бунда мактаблар ва синфлар каби табиий кластерлар мавжуд бўлиши мумкин. Кейин кластерлар қаторидан намуна олиш шакллантирилади. Бунда танланган кластерлар таркибига кирувчи барча элементлар тадқиқотга киритилади. 3-расмдаги қалин чизик билан ажратилган 7 та тўғри бурчакли зоналарнинг ҳар бири мактаблар жойлашган алоҳида ҳудудни тақдим этади. Тасодифий намуна олиш усули ёрдамида 3 та мактабли ҳудуд танлаб олинган бўлиб, тўқ кулранг билан белгиланган ушбу ҳудудларда яшовчи барча ўқувчиларни тест синовларидан ўтказиш лозим бўлади.

Намуна олишнинг ушбу усули 19 та мактабни ўз ичига олувчи фақатгина 3 та қулай жойлашган географик ҳудудга ташриф буюришигина талаб этади. Оддий тасодифий намуна олиш ва Тизимли тасодифий намуна олиш усулларида бунинг акси сифатида бир-биридан узокда жойлашган 7 та мактабга ташриф буюриш зарурати вужудга келади (1 ва 2-расмлар).

*Стратификация.* Элементлар ва кластерларни оддий тасодифий танлаб олиш ҳамда тизимли тасодифий танлаб олиш содда ва таянч усул бўлса-да, лекин намуна олишни шакллантиришнинг энг самарали усули ҳисобланмайди. Яхши стратегияларда кўпинча мавжуд бўлган маълумотлардан унумли фойдаланиб, страта деб аталадиган бир жинсли элементлар гуруҳи



яратилади, кейин страталар ичида намуна олишнинг баъзи асосий усуллари қўлланилади.

Миллий баҳолашни ўтказувчи ташкилот алоҳида элементлар гуруҳи ёки мамлакатнинг алоҳида ҳудудлари, албатта, кўринишини таъминлайдиган намуна олишни шакллантириши мумкин. Масалан, таълим сиёсатини ишлаб чиқиш учун масъул шахслар таълимдаги ютуқлар ҳақидаги маълумотларни олишда провинция ва ҳудудлар, таълим тиллари ёки катта ва кичик мактаблар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишга эътибор қаратиши мумкин. Бунда миллий баҳолашни ўтказадиган жамоа ишончли баҳолаш натижаларига эришиш учун ҳар бир провинция ёки ҳудуд бўйича етарли элементлар танлаб олинишига интилади. Муқобил сифатида намуна олишни шакллантириш стратегияси шундай амалга оширилиши мумкинки, унда, аввало, мактаб аҳолисининг гуруҳлар бўйича рўйхати (масалан, ҳудудлар ёки тил гуруҳлари бўйича) тузилади, ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига кирувчи элементларнинг маълум қисмлари танлаб олинади. Стратификация деб аталадиган ушбу стратегия намуна олишни шакллантириш усулининг ҳар қандай эҳтимоллиги билан қўлланилиши мумкин.


Стратификация миллий баҳолашнинг бошланишида катта кучни талаб қилади, лекин бунинг натижасида эришиладиган ижобий натижа сарф этилган ҳаракатлардан кўра афзал-

роқ бўлади. Миллий баҳолаш бўйича турли тадқиқотларни ўтказиш давомида мактабларнинг жойлашуви, таълим тили, молиялаштириш манбалари ва шаҳарлашув бўйича стратификацияланади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, стратификацияда жуда кўп мезонлардан фойдаланилиши тескари натижага олиб келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, яхши стратификация кўпинча намуна олиш ҳажмини орттиради. Бундан ташқари страталар сони ортгани сари, айниқса, мактабдаги ўқувчилар ёки ходимлар сони каби ишончсиз ёки ўзгарувчан маълумотлар асосида нотўғри стратага тегишли элементлар сони ҳам ортади.

Миллий баҳолашни ўтказиш бўйича баъзи тадқиқотларда вазиятдан келиб чиққан ҳолда бир, икки ёки ундан кўпроқ стратификация ўзгарувчиларидан фойдаланилади. Стратификация статистик ҳамда умумий самарадорликни ошириш қобилиятига эга, чунки у намуна олиш ҳажмини қисқартиради, бунинг оқибатида харажатлар ҳам қисқаради, лекин шу билан бирга, баҳолаш натижаларининг лозим даражада ишончли бўлишини қўллаб-қувватлайди.


4-расмда учта даражали стратификация ўзгарувчиларидан фойдаланган ҳолда 45 та мактабдан танлаб олинган стратификацияланган тасодикий намуна олиш намунаси тақдим этилган [15].



**3-расм. Мактабларни кластерли танлаб олиш**  
Изоҳ:  $N=7$  кластер (45 та мактаб);  $n=3$  кластер (19 та мактаб = намуна олиш элементлари).

**Манба:** Жан Дьюмей, Дж.Хьюард Гоф, Жаҳон банки.

Баҳолашни ўтказишдан олдин намуна олиш рамкасида барча элементлар учун мавжуд бўлган маълумотлардан келиб чиқиб, аҳоли ҳар қандай ўзгарувчи бўйича стратификацияланиши мумкин. Бу маълумот мактабнинг манзили орқали географик жойлашуви бўйича стратификациялашга ёрдам бергани каби оддийга ўхшаб кўриниши мумкин.



**4-расм. Мактабларни стратификацияланган тасодикий танлаб олиш**

Изоҳ:  $N=3$  та страта;  $N1=32$ ;  $N3=8$ ;  $n1=2$ ;  $n2=4$ ;  $n3=2$ .

Баҳолаш бўйича тадқиқотларда кенг фойдаланиладиган стратификация ўзгарувчилари қаторига географик жойлашуви (масалан, ҳудуд, провинция ёки шаҳар), молиялаштириш шакли (хусусий ёки давлат), таълим дастури тури (бошланғич ёки ўрта, академик ёки профессионал таълим), жинси (қиз болалар, ўғил болалар) кириши мумкин.

Стратификациянинг афзалликларига учта аргументни келтириш мумкин. Биринчидан, у намуна олишни шакллантиришни оддий тасодифий намуна олиш ёки тизимли тасодифий намуна олишдан фойдаланилганига қараганда, статистик жиҳатдан самаралироқ бўлишни таъминлайди. Иккинчидан, келгусидаги таҳлиллар учун манфаатли бўлган муайян соҳалар бўйича намуна олиш ҳажмининг етарли бўлишни таъминлайди. Учунчидан, у намуна олишни сифатсиз шакллантиришдан четлашишга ёрдам беради.

*Эҳтимоллик-пропорционал усул орқали намуна олишни шакллантириш.* Объектларни танлаб олиш эҳтимоллиги фарқли бўлган вазиятларда тенг бўлмаган эҳтимоллик билан намуна олишни шакллантириш ҳоллари учраб туради. Масалан, йирик шаҳарлар ёки мактаблар турли хил маълумотларга эга бўлиши мумкин, чунки уларда кичик шаҳар ёки мактабларга қараганда, кўпроқ ўқувчилар таълим олади. Шу сабабли миллий баҳолаш учун намуна олишни шакллантиришда, танлаб олиниш эҳтимолининг юқорилигини инобатга олиб, кичик объектлардан кўра йирик объектларга эътибор қаратилиши мумкин. Лекин катта бўлмаган шаҳарлар ва мактаблар жуда кам қўшимча маълумот тақдим этган ҳоллар ҳам учраб турса-да, ушбу объектлардан маълумотларни тўплаш харажатлари йирик объектларда маълумот тўплаш харажатларига яқин бўлади.

Маблағларни иқтисод қилиш мақсадида намуна олишни шакллантириш жамоаси ваҳимага берилиб, кўпроқ йирик объектларни танлаб олиш ҳисобига намуна олиш ҳажмини торайтиришга ҳаракат қилади, ҳаттоки намуна олиш таркибини шакллантиришда беш ёки ўн та йирик шаҳар ва мактаблар билан чекланиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда кичикроқ объектларнинг амалда танланиш имконияти деярли бўлмайди. Шунингдек, кўпгина мактаблар истисно қилинганлиги сабабли бундай намуна олиш мавжуд рамка ёки муайян аҳоли таркибидан олинган тасодифий намуна олиш ҳисобланмайди.

Муқобил ёндашув сифатида эҳтимоллиги тенг бўлмаган намуна олиш режасидан фойдаланиш мумкин бўлиб, бунда йирик объектларга катта эҳтимоллик, кичик объектларга кам эҳтимоллик тақдим этилади. Ушбу режага биноан барча объектлар танланиш имкониятига эга бўлади, лекин йирикроқ ва маълумотга бой бўлган объектларга баъзи имтиёзлар берилади. Намуна сифатида 12 та мактабдаги аҳолини кўриб чиқамиз, бу ерда 4 тасида 100 нафардан ўқувчи, 8 тасида 50 нафардан ўқувчи таълим олади. Мазкур ҳолатда йирик мактабларни 1 (ёки 100/400) ва кичик мактабларни 1/8 (ёки

50/400) эҳтимоллик билан ўқувчиларни танлаб олишни шакллантириш мумкин. Бунда йирик мактаблар кичик мактабларга қараганда, танланиш учун икки марта кўпроқ имкониятга эга бўлади, лекин барча мактаблар намуна олишга тушиши бўйича ҳеч бўлмаганда қандайдир имкониятларга эга.

Тасодифий намуна олишни шакллантиришда унга кирган ҳар бир объект аҳолининг муайян объектлари сонини тақдим этади, шунинг учун мазкур йўл орқали олинган намуна олиш жами аҳоли учун тўлиқ репрезентатив ҳисобланади (Жан Дьюмей, Дж. Хьюард Гоф). Ушбу танланган объектлар томонидан тақдим этилган аҳоли объектлари сони намуна олишнинг вазни дейилади.

Тенг эҳтимоллик асосида объектларни чиқариб олишда, аҳоли рамкасида ҳар бир танланган мактаб бир хил сонни тақдим этади. Бунга ўхшаш тарзда мактаб аҳолиси сонининг тенг бўлмаган эҳтимоллиги асосида намуна олишни шакллантиришда, мактабнинг танланиш имконияти бошқасига қараганда қанча бўлганлиги ёки имкониятга эга бўлмаганлигига боғлиқ бўлади [13].

PISA, PIRLS, TIMSS каби таълимдаги ютуқларни баҳолаш бўйича асосий халқаро тадқиқотларда эҳтимоллиги тенг бўлмаган намуна олиш усулидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда намуна олиш эҳтимоллиги тенг бўлмаган усул ёки ҳажмига пропорционал эҳтимоллик усули ёрдамида ажратиб олинади [9, 10]. Одатда мактабларни танлаб олиш вакиллик даражасига, яъни ҳар бир мактабдаги мақсадли аҳоли сонига асосланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, шаҳардаги 5 та мактабда 400, 250, 200, 100 ва 50 нафар қамраб олинган 1000 нафар ўқувчилар истиқомат қилади. Ҳажмига пропорционал намуна олиш (ВІР) мактабларни танлаб олишда улардаги ўқувчиларнинг сонига қараб эҳтимолликни қуйидагича тақсимлайди: битта мактабни танлаб олишда тегишли равишда – 400/1000, 250/1000, 100/1000 ва 50/1000; иккита мактабни танлаб олишда тегишли равишда – 800/1000, 500/1000, 200/1000 ва 100/1000. Шунисига эътибор қаратиш лозимки, агар ушбу намунада учта мактаб танлаб олиниши керак бўлса, биринчи мактабнинг танланиш эҳтимоллиги йўқ, чунки у 1 дан катта, шу сабабли биринчи мактаб ҳар қандай ҳолатда ҳам танланиши лозим бўлади.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий тадқиқотда мактабларни танлаш методологияси.

Тадқиқотда иштирок этувчи мактабларни танлаб олиш учун қамраб олинган мактаблар 8 та гуруҳга (страта) ажратилди. Унга кўра ҳар

бир страта бўйича стратага кирган мактабларнинг улушига пропорционал равишда танланадиган мактаблар сони аниқланди.

Ҳар бир кластер ичидаги мактаблар сонининг тегишли страта бўйича танланадиган мактаблар сонига нисбати асосида намуна олиш интервали аниқлаб олинди. Ушбу жараён  $I=S/D$  формула асосида амалга оширилди. Бу ерда,  $I$  – намуна олиш интервали,  $S$  – қамраб олинган мактаблар сони,  $D$  – тегишли страта бўйича танланадиган мактаблар сони (1-жадвал).

Кейин, мактабларни танлаб олиш жараёни амалга оширилди, бунда компьютернинг Excel дастури ёрдамида намуна олишнинг бошланғич нуқтаси сифатида тасодифий рақам (RN) аниқлаб олинди ҳамда намуна олиш интервали асосида мактаблар танлаб олинди. Танлаб олиш жараёни қуйидаги формула асосида бажарилди:

$$RN \times I, (RN \times I) + I, (RN \times I) + 2I, \dots [7]$$

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-стратага кирувчи 10 та мактаб танлаб олинди. Худди шу усул орқали қолган 7 та страта бўйича мактаблар, шунингдек, 1-жадвалда кўзда тутилган тадқиқотда иштирок этувчи 150 та мактаб аниқлаб олинди.

Захира мактабларни танлаб олиш. Миллий даражадаги баҳолашни ўтказиш жараёнида турли кўзда тутилмаган вазиятлар келиб чиқиши мумкин. Мактаблар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлаш давомида, токи намуна олиш ва баҳолаш жараёнлари якунига етказилгунигача қадар танланган мактаблар билан боғлиқ турли ҳодисалар рўй бериши мумкин.

1-жадвал

Страталарга ажратиш, танланадиган мактаблар сони ва намуна олиш интервалини аниқлаш

| Т/р          | Таълим тили | Гуруҳ (страта) номи    | Тегишли мактаблар сони | Тегишли мактаблар улуши (%) | Танланадиган мактаблар сони | Намуна олиш интервали |
|--------------|-------------|------------------------|------------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------|
| 1.           | Ўзбек       | Шаҳар катта мактаблар  | 598                    | 6,7                         | 10                          | 59.8                  |
| 2.           | Ўзбек       | Шаҳар кичик мактаблар  | 958                    | 10,7                        | 16                          | 59.8                  |
| 3.           | Ўзбек       | Қишлоқ катта мактаблар | 715                    | 8,0                         | 12                          | 59.6                  |
| 4.           | Ўзбек       | Қишлоқ кичик мактаблар | 5970                   | 66,9                        | 100                         | 59.7                  |
| 5.           | Рус         | Шаҳар катта мактаблар  | 460                    | 5,2                         | 8                           | 57.5                  |
| 6.           | Рус         | Шаҳар кичик мактаблар  | 122                    | 1,4                         | 2                           | 61                    |
| 7.           | Рус         | Қишлоқ катта мактаблар | 40                     | 0,4                         | 1                           | 40                    |
| 8.           | Рус         | Қишлоқ кичик мактаблар | 61                     | 0,7                         | 1                           | 61                    |
| <b>Жами:</b> |             |                        | <b>8924</b>            | <b>100</b>                  | <b>150</b>                  |                       |

**Манба:** Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жумладан, ҳудудий давлат бошқаруви органларининг қарорига асосан мактаблар тугатилиши ёки бошқа мактаблар билан бирлаштириб юборилиши, турли сабабларга кўра мактабларнинг номуайян муддатга ёпилиши, аттестациядан ўтмаганлиги сабабли аккредитациялан-

ган муддати якунланиши, шунингдек, ёнғин, сув тошқини каби бахтсиз ҳодисалар туфайли мактаб ўз фаолиятини амалга ошира олмай қолиши мумкин. Ана шундай вазиятларда захира сифатида танланган мактабларга мурожаат қилинади.

2-жадвал

1-стратага кирувчи мактабларни танлаб олиш

| Танланадиган мактаб тартиби | Намуна олишнинг бошланғич нуқтаси (RN) | Намуна олиш интервали (I) | Танланган мактабнинг намуна олиш рамкасидаги тартиб рақами |                     |
|-----------------------------|--|---------------------------|--|---------------------|
|                             |  |                           | Ҳисоблаш формуласи   | Ҳосил бўлган натижа |
| 1.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $RN \times I$  | 28                  |
| 2.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + I$  | 87                  |
| 3.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 2I$                                       | 147                 |
| 4.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 3I$                                       | 207                 |
| 5.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 4I$                                       | 267                 |
| 6.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 5I$                                       | 327                 |
| 7.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 6I$                                       | 386                 |
| 8.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 7I$                                       | 446                 |
| 9.                          | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 8I$                                       | 506                 |
| 10.                         | 0,4619                                 | 59,8                      | $(RN \times I) + 9I$                                       | 566                 |

**Манба:** Миллий тадқиқот давомида фойдаланилган ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Захира мактабларини танлаб олиш қатъий белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши лозим. Миллий тадқиқот учун захира мактабларни танлаб олишда, дастлабки танланган мактаб асос сифатида қабул қилинади. Яъни намуна олиш рамкасидаги рўйхат кетмакетлигига риоя қилган ҳолда дастлабки танланган мактабдан битта олдинги ва битта кейинги мактаблар биринчи ва иккинчи захира мактаблари сифатида тегишли равишда танланади. Шу тариқа 150 та мактаб учун 2 тадан захира сифатида жами 300 та мактаб танлаб олинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, асосий мактабни тадқиқотга жалб этиш юқорида тавсифланган ҳолатлар сабабли имконсиз бўлган тақдирдан аввало 1-захира мактабига, кейин эса 2-захира мактабига мурожаат қилинади.

Кўп босқичли намуна олиш. Кўпгина тадқиқотларда шахсий маълумотларни олишга тўғридан-тўғри имконият бўлмайди. Шахсларнинг марказлашган ва янгилашиб турадиган реестри мавжуд бўлмаслиги мумкин, ҳаттоки бўлганида ҳам уларни олиш қатъий тартибга солинган ёки тадқиқотчиларга берилиши мумкин бўлмаслиги мумкин. Лекин кўп босқичли намуна олиш деб юритиладиган усул орқали мақсадли аудиториянинг вакиллари ҳақидаги маълумотларга

билвосита эришиш мумкин. Кўп босқичли намуна олишни жорий этишда, аввал объектларнинг (мактаблар) йирик рўйхати тузилади, кейин ушбу объектларнинг баъзилари намуна олишга киритилади. Ҳар бир танланган объектлар (мактаблар) учун майдорқ объектлар (синфлар) рўйхати, кейин эса танланган синфлардаги ўқувчилар рўйхати тузилади.

Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан жорий этилган Миллий баҳолаш дастурида мактабларнинг муайян сонини танлаш, кейин танланган мактаблардаги тўлиқ синфларни кластер сифатида танлаб олиш назарда тутилган. Ушбу ёндашув маъмурий бошқарув жиҳатидан кенг қўлланилади. Миллий тадқиқот учун намуна олиш жараёнлари стратификацияланган, эҳтимоллик пропорционал ва кўп босқичли намуна олиш усуллари ўзида мужассам этган мураккаб намуна олиш усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Унда республиканинг барча 14 та ҳудудидан, қишлоқ ва шаҳарларда жойлашган, ўқувчилар сонига кўра катта ва кичик мактаблар, бир ва кўп навбатли, ихтисослашган ва анъанавий мактаблар қамраб олинишига эътибор қаратилди.

### 3-жадвал

#### Танланган мактабдаги мавжуд 9-синфлар рўйхати

| PISA тадқиқоти талаблари асосида ўтказиладиган миллий тадқиқот учун танланган мактабдаги синфлар рўйхати |           |                             |                            |                |                                    |
|--|-----------|-----------------------------|----------------------------|----------------|------------------------------------|
| Худуд номи   |           | Сирдарё вилояти             |                            |                |                                    |
| Туман (шаҳар) номи   |           | Оқолтин тумани              |                            |                |                                    |
| Мактаб номи  |           | 42-мактаб                   |                            |                |                                    |
| Мактаб координаторининг Ф.И.О.   |           | Ботирова Моҳиғул Сатторовна |                            |                |                                    |
| Синф   | Синф номи | Таълим тили                 | Синфнинг ихтисослашганлиги | Ўқувчилар сони | Истисно қилинадиган ўқувчилар сони |
| 9  | 9-“а”     | Ўзбек                       | Ихтисослашмаган            | 24             | 0                                  |
| 9  | 9-“б”     | Ўзбек                       | Ихтисослашмаган            | 11             | 0                                  |
| 9  | 9-“в”     | Рус                         | Ихтисослашмаган            | 16             | 0                                  |

**Манба:** Миллий тадқиқот давомида фойдаланилган ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Мактаблар намуна олиши яқунлангандан сўнг, тадқиқотда иштирок этувчи 150 та мактабнинг ҳар биридан биттадан 9-синф танлаб олинди. Бунинг учун Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказида сўров лойиҳаси ишлаб чиқилиб, танланган мактаблардаги мавжуд 9-синфлар рўйхати ҳақидаги маълумотлар тўпланди [11].

Синфлар ҳақидаги тўпланган маълумотларда мактабда мавжуд 9-синфлар сони, ушбу синфларнинг номлари, ўқитилиш тили, ўқувчилар сони ва махсус таълимга эҳтиёжи мавжудлиги сабабли тадқиқотдан истисно қилинади-

ган ўқувчилар сони ҳақидаги маълумотлар акс эттирилди (3-жадвал).

Ҳар бир мактабдаги 9-синфлар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилгач, тасодифийлик тамойили асосида ҳар бир мактабдан биттадан синф намуна олиши амалга оширилди.

Танланган синфда таълим оладиган барча ўқувчилар тадқиқотга жалб этилиши кўзда тутилади ҳамда мактабга мурожаат этган ҳолда танланган синфнинг ўқувчилари рўйхати шакллантирилади. Ўқувчилар рўйхати шакллантирилишида уларнинг фамилияси ва исми, жинси каби маълумотлар тақдим этилади.



## Ўқувчилар назорат шакли

| Худуд номи         |                                 | Сирдарё вилояти             |                     |                       |                   |      |
|--------------------|---------------------------------|-----------------------------|---------------------|-----------------------|-------------------|------|
| Туман (шаҳар) номи |                                 | Оқолтин тумани              |                     |                       |                   |      |
| Мактаб номи        |                                 | 42-мактаб                   |                     |                       |                   |      |
| Мактаб ID рақами   |                                 | 20204                       |                     |                       |                   |      |
| Синф номи          |                                 | 9-“б”                       |                     |                       |                   |      |
| Таълим тили        |                                 | Ўзбек                       |                     |                       |                   |      |
| Т/р                | Ўқувчининг<br>Фамилияси ва исми | Жинси 1-<br>ўғил, 2-<br>қиз | Иштирок этиш ҳолати |                       | Истисно<br>коди** | Изоҳ |
|                    |                                 |                             | Тест<br>сессияси    | Сўровнома<br>сессияси |                   |      |
| 1.                 | Abdusamatov Dovud               | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 2.                 | Alimurodova Adolat              | 2                           |                     |                       |                   |      |
| 3.                 | Ergashboyev Abdulla             | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 4.                 | Obidova Mushtariy               | 2                           |                     |                       |                   |      |
| 5.                 | Rixsiboyeva Iroda               | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 6.                 | Shorahimov Mirodiljon           | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 7.                 | Tolibov Boburmirzo              | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 8.                 | Tolibjanov Dilmurod             | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 9.                 | Xoshimova Mohinur               | 2                           |                     |                       |                   |      |
| 10.                | Yo'ldoshev Abdulhafiz           | 1                           |                     |                       |                   |      |
| 11.                | G'ayratova Dilbar               | 2                           |                     |                       |                   |      |

*Манба:* Миллий тадқиқот давомида фойдаланилган ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Ушбу рўйхатни шакллантириш бўйича бланк Ўқувчилар назорат шакли деб юритилади ҳамда ушбу шакл кейинчалик тест жараёнида ўқувчиларнинг тест ва сўровномада иштирок этиш ҳолати ёки тадқиқотдан айрим сабабларга кўра истисно қилинганлик ҳолатларини қайд этиб бориш имкониятини беради (4-жадвал).

**Хулоса ва таклифлар.** Мақолада Ўқувчиларнинг ютуқларига қаратилган таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро дастур талаблари асосида жорий этилган миллий баҳолаш дастурида намуна олиш масалалари ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, ушбу тизим доирасида тадқиқот учун тасодифий танлаб олиш, намуна олишни стратификациялаш, кўп босқичли ва кластерли намуна олиш каби усуллар ҳақида тўхталиб ўтилди. Унда хорижий олимлар томонидан илгари сурилган фикрлар, назариялар, халқаро баҳолаш дастурлари томонидан ўрнатилган стандарт ва талаблар ҳамда Ўзбекистонда жорий этилган тажрибалар атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, Винсент Грини, Томас Келлаган, Жан Дьюмей, Дж. Хьюард Гоф каби нуфузли хорижий олимларнинг муаллифлик ишланмаларига оид адабиётларда келтирилган маълумотларнинг тегишли қисмлари ҳамда халқаро PISA тадқиқотининг техник стандартлари, мактаблар ва ўқувчиларни танлаб олиш бўйича қўлланиладиган йўриқномаларида келтирилган қоидалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича PISA дастури талаблари асосида жорий этилган миллий тадқиқотнинг муҳим қисми ва босқичи сифатида тадқиқот иштирокчиларини танлаб олиш бўйича қўлланилган стратегиялар ҳақида атрофлича ёритиб берил-

ди. Унга кўра, кўп босқичли, стратификацияланган ва кластерли усулларни ўзида жамлаган мураккаб намуна олиш усули қўлланилганлиги муваффақиятли намуна олишга эришишда муҳим омил бўлганлиги хусусида тўхталиб ўтилди.

Миллий даражада олиб борилаётган тадқиқотларнинг муваффақиятли бўлишини таъминлашда захира мактабларини танлаб олиш усулини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ишончли ва аниқ маълумотларни шакллантириш мақсадида мактаб, синфларни танлаб олиш босқичида мақолада берилган намунавий шаклларнинг жорий этилиши таклиф этилади. Вақт ва ресурсни кам сарфлаган ҳолда аниқ ва ишончли маълумотлар олиш учун мактаб, синф даражасидаги намуна олишларни амалга ошириш стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, танланган синф ўқувчиларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг тадқиқотнинг тегишли босқичларида иштирок этиш ҳолатларини кузатиб боришга мўлжалланган назорат шакли тадқиқотнинг ўқувчига йўналганлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мақолада таҳлил қилинган ва тақдим этилган намуна олиш стратегиялари Ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш ва саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий дастурда жорий этиш мумкин бўлган муқобил ва самарали усул сифатида таклиф этилади. Ушбу таклиф этилган механизмлар муаллифнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказида тизимли равишда амалиётга жорий этилганлиги ва ўзини оқлаганлиги билан аҳамиятлидир.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2018 йил 8 декабрь, ВМҚ-997.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2019 йил 30 сентябрь, ВМҚ-823.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. ЎРҚ-637-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказида 2021 йил 15 октябрь ҳолатига тўпланган маълумотлар базаси.
6. Kenneth N.Ross, *Sample design for educational survey research. Quantitative research methods in educational planning. Module 3. UNESCO International Institute for Educational Planning.*
7. Болотов В.А., Вальдман И.А., Горбовский Р.В., Захир Ю.С., Мерцалова Т.А. Ключевые вопросы национальных и региональных систем оценки качества образования (экспертных обзор) [текст]: коллект.моногр., Нац.исслед.ун-т «Высшая школа экономики». –М.: Изд.дом Высшей школы экономики, 2016. – 232 с. 500 экз. ISBN 978-5-7598-1507-5 (в обл.).
8. Исмаилов А.А. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўтказилган миллий тадқиқот натижалари тўғрисида. Иқтидорли ёш кадрларни хоризжий ўқув юртларида таълим олишлари учун шароитлар яратиш ва халқаро тадқиқотларга тайёргарлик тўғрисида семинар. Халқ таълими вазирлиги, 2021 йил 9 февраль.
9. *Main Survey School Sampling Preparation Manual: Overview, February 2017, produced by Westat, Core C contractor.*
10. Жан Дьюмей, Дж. Хьюард Гоф. Элементы теории выборки. Проведение национальной оценки учебных достижений. / Винсент Грини, Томас Келлаган; пер. с англ. А.Мусина; науч. Ред. М.Б.Чельшиковой. – М.: Логос, 2014. – 372 с.: II часть, 132-стр.
11. [www.oecd.org/pisa](http://www.oecd.org/pisa) – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташилотининг веб-сайти.
12. [www.timssandpirls.bc.edu](http://www.timssandpirls.bc.edu) – TIMSS ва PIRLS халқаро тадқиқот маркази веб-сайти.
13. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-584, 2019 йил 27 августдаги 01-631 ва 2021 йил 18 октябрдаги 01-794-сонли хатлари.
14. Оценка образовательных достижений на национальном уровне. / В.Грини, Т.Келлаган; пер. с англ. Т.Н.Леоновой; науч. ред. М.Б.Чельшикова. – М.: Логос, 2011. – 216 с.
15. Проведение национальной оценки учебных достижений. / Винсент Грини, Томас Келлаган; пер. с англ. А.Мусина; науч. Ред. М.Б.Чельшиковой. – М.: Логос, 2014. – 372 с.
16. Исмаилов А.А. PISA талаблари асосида ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича ўтказилаётган миллий тадқиқот ҳақида. Брифинг. АОКА, 2020 йил 9 декабрь.
17. Исмаилов А.А. Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш: танлов рамкасини шакллантириш. // "Замонавий таълим" илмий-методик журнали, 2021 йил, 12-сон (чоп этиш жараёнида).
18. *PISA 2018 technical standards, Version 1, November 2015, Produced by OECD Secretariat and the PISA 2018 Contractors.*
19. *FT Sampling Guidelines, OECD Programme for International Student Assessment 2015, Second Meeting of National Project Managers, Bangkok, Thailand, 18-20 March, 2013, Produced by Westat, Core C Contractor.*
20. Исмаилов А.А., Тоғаева Г.О., Акбарова С., Асқарова Д. Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг табиий фанлар бўйича саводхонлигини баҳолаш. Табиий йўналишдаги фан ўқитувчилари, методистлари ва соҳа мутахассислари учун методик қўлланма. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2019 йил.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 30 ноябрдаги 180-сонли бўйруғи.

**“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ЁШЛАР ОНГИГА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

**Миралиева Дилафруз Тахировна -**  
ТДИУ Инновацион таълим каф.  
катта ўқитувчиси, Педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a48](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a48)

**Аннотация.** Ушбу мақолада аждодларимиз мероси орқали талабаларда “оммавий маданият”га қарши қурашувчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг усул ва воситалари очиб берилган ҳамда улардан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** оммавий маданият, глобаллашув, баркамол шахс, тасаввуф таълимоти, аждодларимиз мероси, маънавият.

**НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ «ПОПУЛЯРНОЙ КУЛЬТУРЫ» НА СОЗНАНИЕ МОЛОДЕЖИ**

**Миралиева Дилафруз Тахировна -**  
Старший преподаватель кафедры «Инновационное  
образование» ТГЭУ доктор философии по  
педагогическим наукам (PhD)

**Аннотация.** В данной статье раскрываются методы и средства формирования у студентов навыков борьбы с «массовой культурой» посредством наследия наших предков и разработка научно-методических рекомендации по их использованию их в учебном процессе.

**Ключевые слова:** массовая культура, глобализация, гармоничная личность, наследие предков, духовность.